



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVINING QARORI

Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил “16” февраль
3/6 -сон



М. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 16 февралдаги
3/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни
юретиш тартибига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3.1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчиларга;”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 3.2-банд қуйидаги мазмундаги “б¹” кичикбанд билан тўлдирилсин:

“б¹) ваколатхона ташкил этган норезидент – юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа даромадлари;”.

3. 4.6-банднинг “д” кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“д) ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига ўтказилиши, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.”.

4. 5.2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“доимий муассаса ташкил этган норезидент – юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа даромадлари.”.

5. 5.3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги ҳисобварақларига ўтказилиши;”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. VI бўлим номи ва 6.1-банд “савдоларида қатнашувчи” деган сўзлардан кейин “ва уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 6.2-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“уюшган савдоларда акцияларни сотиб олишдан (сотишдан) тушган маблағлар;”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

